



ТАЛАБЧАНЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК ВАЗИЯТИДА

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркибининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Р.Хайдаров билан учрашуви ана шундай вазиятда ўтди.

Ходимлар билан, суҳбатдан аввал у бўлимининг бир йиллик иш кўрсаткичларини ўрганиб чиқди, навбатчилик қисми фаолияти билан танишди, ўтган йили айтилган танбешлар қандай қабул қилингани билан қизиқди, хизмат хоналарини кўздан кечириб чиқди.

Учрашув чоғида вазир муовини уюшган жиноятчиликка қарши кураш, барча минтақаларда ва хусусан, Тошкент шаҳри мисолда жиноятчилик вазиятига барҳам бериш борасида республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сарфлаётган куч-гайрат ҳақида сўзлади.

Сўнгра у ички ишлар идораларига хизмат қилиш учун кадрларни танлаш, тайерлаш ва қайта тайерлаш ҳамда хизматни ўташ, унвонлар бериш, шахсий

таркибининг касб ва билим маҳоратини ошириш, бу тизимни қайта қуриш манзарасини яққол тасвирлаб берди.

Милиция сафларига ҳалол, ўз ишига садоқатли, ҳуқуқий онги юқори, кишиларга хайрихоҳ бўлган, давлат-ҳокимият ваколатларини амалга оширишда, қонунчиликка амал қилишда ўрнатилган қоидаларни қабул қилиш ушбу дастурнинг асосий моҳияти ва мазмунини ташкил этади.

Хизмат қилишга танлаб олиш тизимини қайта қуриш билан бир вақтда республика ИИВ махсус ўқув юртлирида ўқитишнинг тузилиши ва ташкил этилиши борасида катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Суҳбат якунида вазир муовини ходимларнинг саволларига жавоб берди.

Учрашув қизиқарли ўтди. Шахсий таркиб учун у жуда фойдали бўлди.

И. БАТАЛОВА,
Навоий шаҳри ИИВ
бошлигининг ўринбосари,
милиция подполковниги.

Бугунги сонда:

3-бет
Хатжидларни очганда
**РУКНИ ОСТИДА:
ШИКОЯТ, ТАКЛИФ,
МУЛОҲАЗАЛАР...**

4-5-бетлар
Ҳафталик телекўрсатувлар дастури.

6-бет
ТУНГИ ШАРПАЛАР (Қисса).

АВВАЛ ИҚТИСОД...

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН, ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР

Ўтган йилнинг 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иссиқлик энергияси ресурсларини тежаш бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтганди. Унда ёнилғи-мойлаш материалларидан жойларда хўжасизларча фойдаланилаётганлиги, жуда кўплаб вазирликларга қарашли автохўжаликлардаги транспорт воситаларининг спидометр қурилмалари ишламаслиги, бунинг оқибатида ёнилғини ҳисоб-китоб қилиш ишларида катта камчиликлар борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ҳар бир вазирлик олдида камчиликларни тезда бартараф этиш вазифалари қўйилди.

Ёнилғи танқислиги туфайли кўчаларда, автобус бекатларида ҳам одамлар гавжумлашиб қолди. Сабаби, ёнилғи камёблиги учун жамоат транспорти ҳам бир меъёردа ишламаяпти. Ана шундай давларда мавжуд ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланмаётган автокорхоналар, ҳайдовчилар учраб тургани кишини ажаблантиради.

Ўтган йилнинг сўнги кунларида, 1994 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бошқармаси инспекторлари ўз ҳисобини билмаган, давлат мулкнинг, аниқроғи, ёнилғини ҳисоб-китобсиз сарфлаб юбораётган кўплаб ҳайдовчиларни аниқладилар.

Бу ерда гап спидометр қурилмаси ишламаётган еки бўлмаса, тегишли тартибда муҳрланмаган автомашиналар ҳақида кетаяпти. Спидометр қурилмасининг ишламаслиги еки муҳрланмаганлиги ҳайдовчининг давлат транспортдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишига, жуда катта маблағ эвазига келтирилган ёнилғининг тезда исроф бўлишига сабабчи бўлади. Бундан ташқари белгиланмаган, кўзда тутилмаган ортиқча километрларни босиб ўтиш автомашинанинг кўплаб қисмлари яроқсиз ҳолга келишини тезлаштиради. Масалан, гилдираклар тезда едирилиб, ишдан чиқади. Энг хавfli ва зарарли томони шундаки, автомобилнинг двигателидан чиқаётган захарли газлар атроф муҳитга, экологияга, яъни инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, айрим ҳолларда битта раҳбарни уйдан ишга, ишдан уйга олиб бориб қўйиш учун сарфланадиган бензин давлатнинг ишнинг бажариш учун сарфланадиган бензиндан ҳам кўпроқ экан.

Баъзи идораларда битта ходимни уйдан ишга, ишдан уйга олиб бориб қўйиш учун бутун бир автобус банд бўлади. Бу нарса, айниқса, қишлоқ жойларда яққол кўзга ташланади. Масалан, бирор-бир жамоа хўжалигининг ҳисобчисини банкка олиб бориб келиш учун кўпинча

автобус ажратилади. Бу ҳам кулгили, ҳам, аянчли бир манзара. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, енгил машина, 3 литр, нари борса 4 литр бензин сарфлаб амалга оширадиган ишни 15-20 литр ёнилғи сарфлаб автобусда бажариш шартми? Шундай иш тутаётган хўжалик раҳбарларини ҳозирги кун кишиси деб бўладими? Яна бир мисол. Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида туманлараро жамоа бирлашмаси мавжуд. Мазкур бирлашмада ҳаммаси бўлиб 22 та транспорт воситаси бор. "ГАЗ-24" русумли 47-64 ТНБ давлат рақамли автомобиль ҳам шу бирлашмага қарашли бўлиб, унинг ҳайдовчиси Сирғали туманида истиқомат қилади. Бу машина бирлашманинг бош муҳандисига хизмат кўрсатади. Бош муҳандис Тошкент вилоятининг Зангиота туманида истиқомат қилади. Биз мана шу машинанинг босиб ўтадиган йўлини ҳайдовчи билан биргаликда ҳисоблаб чиқдик. Қарангки, ҳар 100 километр масофага ўрта ҳисобда 14-15 литрдан ёнилғи сарфлайдиган "ГАЗ-24" машинаси бир кунда бош муҳандисни уйдан олиб келиш ва олиб бориб қўйиш учун ўртача 140-160 километр йўл босар экан.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Яқинда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ИИВ ДАН Бошқармаси инспекторлари томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, спидометр қурилмаси муҳрланмаган еки умуман ишламайдиган 1069 та транспорт воситаси аниқланди. Транспорт воситасини ноқонуний тарзда, белгиланмаган жойда сақлаётган 105 ҳайдовчига нисбатан маъмурий баъинома тузилди.

Бундан ташқари қонунга хилоф равишда қўшимча ёнилғи идиллари ўриштирилган ва юқонаси ўзгартirilган 96 та транспорт воситаси ушланди.

1993 йилнинг 5 декабрида бошланган бу тадбир ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. 5 декабрдан шу йил 20 январигача юқоридаги қондабузарликларга йўл қўйган ҳайдовчи ва раҳбар ходимларга 27 миллион 668 минг сўм жарима солинди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ушбу қондабузарликлар Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги Мажмуасининг 130 ва 141-моддаларига асосан кўриб чиқилади. Жарима миқдори эса қуйидагича: ҳайдовчилар учун 10 минг сўм-купонгача, ташкилот еки корхона раҳбарлари учун 60 минг сўм-купонгача белгиланган.

Бу ёнғига хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Халқимиз "Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар" деб бежиз айтмаган.

Ибодилла БОБОНАЗАРОВ,
ИИВ ДАНБ ходими, милиция майори.

Хизматнинг бошланиши ёмонмас

Милиция соҳасида ишлаш Қосимбойнинг болалик орзуси эди. Ёстиғи остида доим милиция ҳаётига оид китоблар бўлар, саргузашт фильмларини жон-дили билан кўрарди. Олмонияда хизмат бурчини ўтаб қайтган, у ота-она розилиги билан эғнига милиция формасини кийди.

Ҳозирда Қосимбой Машарипов Богот тумани ИИВ Кўриқлаш бўлимида хизмат қилмоқда. Милиция кичик сержанти. Хизматни бошлаганига эндигина тўрт йил бўлибди. Аммо ишда ўзини кўрсатиш учун мана шу қисқа муддатнинг ўзи кифоя қилди. Яхши хизматлари эвазига раҳбарият томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбат олмоқда. У ҳақда ҳамкасби қуйидагиларни гапириб берди:

— Қосимбой хизматга тушар экан, — дейди бўлимида катта ноизири, милиция катта лейтенанти Ганжабой Юсупов, — албатта ўзига тоғширилган вазифани бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилади. Бажаради ҳам. Ўтказилаётган турли тадбирларда фаол иштирок этади. Қосимбойга ўхшаганлар ҳақида қанча ёзсангиз ҳам арзийди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ишмининг ютуғига қафолат беради.

Саъдулло БОБО.

СУРАТДА: милиция кичик сержанти Қ. Машарипов.



ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

қилмадилар. Улардан олинган бир дона жанговар граната (портлатгичи билан) ва 9 дона автомат ўқи уларни тергов курсисига ўтқизиб қўйди. Яқин кунларда қора курсига ҳам ўтириб қолишса ажаб эмас.

қирқма милтиқ икки дона ўқи билан топилгани унинг нияти яхши эмаслигидан далолат беради.

Соддалик курсин; танимаган-билмаган одам мушкулнингни осон қиламан деб бир авраса, лаққа тушадиганлар топилавераркан.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида яшовчи Компаниец ҳам бир миллион сўм пулидан ажралиб қолишига сал қолди. Агар ички ишлар ходимлари А.Красниковнинг қинғир ишини

вақтида пайқаб қолмаганларида ўша йигирма беш ёшли йигитнинг миллионига маймунлар йиғлаган бўлармиди.

Фаргона шаҳри кўчаларининг бирида бўлиб ўтган жанжал яна бир инсонни ҳалётдан бевақт олиб кетди. Уч аёл келиша олмай қолиб, В.Бугацовани ўлдириб қўйишди. Қотил номини олган икки аёл — С.Брезгунова ва Л.Майоровалар эса прокуратурада тергов қилинмоқда.

Республика ИИВ Матбуот маркази.

Бўйида айби борнинг оёғи қалтирайди. Андижон шаҳрида яшовчи З.И. ва З.П.лар уйда сақлаётган қалтис молнинг қалтис оқибатларга олиб келишини билсаларда, виждон буюргангани

Жиноятни Андижонда содир этиб, жазодан қочиб юрган жиноятчи Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида қўлга олинди. Бир ёш йигитнинг умрига зомин бўлган бу кишининг ёнидан

Сўз-вилоят ИИБ раҳбарига

ОСОЙИШТАЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Халқимиз "Юрт тинч — сен тинч", деб бежиз айтмаган. Халқ осойишталигини сақлаш, турли миллатлар ўртасида миллий тотувликни барқарорлаштириш шу куннинг муҳим вазифаларидандир. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

Халқ осойишталигини таъминлаш жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга боғлиқдир. Бизда жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолати ташвиш уйғотмайди. Вилоятимиз ички ишлар идораларида ишларни ташкиллаштириш ва уларни таҳлил қилиб бориш шуни кўрсатдики, ўтган йилнинг 12 ойи мобайнида рўйхатта олинган жиноятларнинг умумий сони 4053 тани ташкил этди. Яъни бу 1992 йилнинг шу даврига нисбатан 6,1 фоизга қисқарди демакдир.

Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ кўчаларида юриш хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ўрнатиш, жамоат тартибини сақлаш биз ички ишлар ходимларининг вазифаси ҳисобланади. Ўтган йили кўчаларда содир этилган жиноятлар 18,8 фоизга, жамоат жойларида жиноятлар 28,6 фоизга кам бўлганлиги қайд этилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳолати яхшиланганлиги айниқса қувончлидир.

Ўтган йилда "Арсенал", "Тун",

"Тўр", "Қорадори-93" сингари турли яхлит оммавий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб туришимиз туфайли ўнлаб жиноятлар очилди, қидирувдаги жиноятчилар ушланмоқда, жиноятга мойил шахслар аниқланиб, чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида профилактик тарбиявий ишлар олиб бориляпти.

Ўтган йилда бир неча марта "Арсенал" тадбири ўтказилди. Тадбир давомида 300 га яқин ўқотар қурол, юзлаб ўқ-дори мусодара қилинди.

Жиноятчи ўз вақтида фож қилиш ишимизнинг асосий тамойилидир. Ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида шохидлар йўқлигида содир этилган жиноятларнинг кўпи очилди.

Яъни аввалги йилларда рўй берган жиноятларнинг 80 таси ўтган йилда фож қилинди. Бу эса ишимизни такомиллаштириш бориб, жиноятларнинг очилиши яхшиланганига; жиноятчиликнинг ўсиш сурбатлари кескин пасаяётганлигига эришаётганимиздан далолатдир. Негаки ходимларимизнинг касб маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳисобига ютуқларни қўлга киритялмиз. Жиноятнинг олдини олиш борасида участка вакиллари жамоатчилик билан ишлашлари устидан назоратни кучайтирмоқдамиз. Бу эса ўз

самарасини бермоқда. Мазкур йилда объектив сабабларга кўра участка вакиллари сони бирмунча қисқартирилган бўлса-да, улар томонидан 414 та жиноят фож қилинди.

Албатта, ҳозирги мураккаб шароитда жиноятчиликка қарши курашда турли қийинчиликлар мавжуд. Ходимларни автотранспорт ва эҳтиёт қисм, енилги билан таъминлашда муаммоларга дуч келмоқдамиз. Аммо шунга қарамадан объектив қийинчиликларни писанд этмай ходимларимиз жиноятчиликнинг йўғон томиларига болта урмоқда.

Президентимизнинг ўтган йилнинг бошида уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги ташаббуси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари зиммасига янада катта масъулият юкледи. Милиция уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларни очиб ташлашга эътиборни кучайтирди. Жиноятчилардан 17 ўқотар қурол, гайриқонуний равишда ўзлаштирган 61 миллион 200 миң сўмлик моддий-бойликлар ва пул мусодара қилинди.

Бугунги кунда хонадонлардан мол, қўй-эчки, от ўғирлаш ҳоллари кўпайиб бораётгани ташвишлидир. Тўғриси, бунда фуқароларнинг ҳам

айби бор. Улар кўпинча мол-қўйларини далага қаровсиз ҳолда ҳайдаб юборадилар. Қаровсиз қолган ҳайвонлар ўғирликка манба яратади. Гапимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман: ўтган йил, 4 ноябрь куни У.Юсупов туманида яшовчи Х.Раҳматовнинг 110 бош қўй-эчкиси йўқолиб қолади. Суриштирув бошланади. Маълум бўлишича, хонадон эгаси қўй-эчкиларини далада қаровсиз қолдирган экан. Милиция ходимларининг сатъ-ҳаракатлари билан 101 бош қўй-эчки топилди ва эгасига қайтариб берилди.

Кундалик маълумотлар билан танишилганда, кейинги пайтларда Касби, Яққабоб, У. Юсупов ва Косон туманларида мана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг тез-тез содир этилиб турилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қорадори — ҳамиша инсоният турмушига хавф солиб келган. Бу оғу дастидан кўпларнинг ширин турмуши бузилган. Афсуски, кўпгина шахслар унинг қони зарар эканлигини билса-да, шахсий бойлик орттириш мақсадида ташландик ва қаровсиз хилват жойларга бу оғуни ҳамон экиш билан шуғулланиб келмоқда. 1993 йилда вилоятимиз ҳудудидagi кўпгина майдонларга экилган кўкнори, наша ўсимликлари аниқланиб йўқ қилиниб ташланди, 26 килограмм 929 грамм гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда жиноятчилар сирини фож этишда мураккабликлар мавжуд. Негаки, уларнинг кўпчилиги муқаддам судланган еҳуд бу борада пихни эрган, анча "малака" оширган шахслардир. Аммо тажрибали

ходимларимизнинг синчков ҳаракатлари ишда қўл келмоқда. Баъзан уларга жиноятчилар томонидан очик қаршилиқлар кўрсатилмоқда.

Чунончи, Қарши тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция капитани Шуҳрат Шодмонов ва катта участка вакили, милиция майори Собир Жўраевлар Б. Элбўри исми қидирувда бўлган шахсни тутиш чоғида тан жароҳати олишди. Ш. Шодмонов ваҳшийлашган жиноятчининг қаршисига рўбару чиқди. У ўз тўппончасидан осмонга отиб тўрт марта оғоҳлантиришга қарамай жиноятчи баттар қутирди. Унинг атрофидagиларга ҳалакат бермаслигини инобатга олган Ш. Шодмонов жиноятчининг оёғига ўқ узиб, қўлга туширди.

Ходимларнинг маърифий-сиёсий билимини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда ҳар ҳафтанинг биринчи куни "Маърифат" дарси ўтказилади. Унда республикамиз ва хориздаги муҳим сиёсий-иқтисодий янгиликлардан шахсий таркибни хабардор этиб тураемиз. Давлат, жамоат ва фан, маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Чунки халқ билан милиция ҳамжиҳат бўлиб ишласа ҳар доим иш осон кўчади.

Зеро, мустакил республикамиз халқининг турмуши соз, ҳаёти тинч ва беҳавотир бўлиши бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Ш. КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти
ИИБ бошлиғи,
милиция полковниги.

ҚАТЪИЯТНИ КУЧАЙТИРИБ

Шундай бўлсада ички ишлар идораларининг фаолияти адолатга асосланиши ва бенуқсон бўлиши керак

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини ҳам қамраб олди.

Жиноят, Жиноят-процессуал Маҳмуаларнинг лойиҳалари, ички ишлар идоралари оддий ва раҳбар ходимларининг моддий ва ижтимоий аҳволини яхшилашга хизмат қиладиган, уларни ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Ички ишлар идораларида қонунчиликнинг ҳолати кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, жисмоний ва эстетик тарбия, шунингдек, ички ишлар идораларининг жамяят тизимидаги ўрни, уларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги роли, ходимларнинг таркиби, миқдори, техника воситалари билан таъминланиши, уларнинг ишини ташкил этиш, моддий ва ижтимоий таъминоти, ҳуқуқий ҳимоялангани, хизматни ўташ тартиби ва интизомга риоя қилиниши, ходимларнинг шахси сингари масалаларнинг кенг доираси билан белгиланади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги шароитида қонун посбони бўлишга даъват этилган ички ишлар идоралари оддий ва раҳбар ходимлари ўртасидаги порохўрликдек қонунчиликни гоётада хавфли тарзда бузишнинг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади. Қонунчиликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Ички ишлар идораларининг ходимлари ўз фаолиятларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашлари, қонун талабларига сўзсиз риоя қилишда ўрнатилган бўлишлари шарт. Милиция ходимларининг қонун талабларидан озгина четга чиқиши ҳам мамлакатимизнинг кўп миллатли аҳолиси ўртасида муқаррар равишда акс садо уйғотади, милициянинг обрў-нуфузи ва иш манфаатларига катта зарар етказиши.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажариш чоғидаги

ҳатти-ҳаракатлари қатъиятли бўлиши билан бирга ахлоқий томондан бенуқсон, адолатли ва халққа тушунарли бўлиши керак. Милиция ходимлари ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни доимо мустаҳкамлаб боришлари, бунда юқори даражадаги талабчанликни ҳар бир кишига эътиборли муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб боришлари шарт. Афсуски, республика ички ишлар идоралари фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради, бунга доим ҳам ўткир ва принципал баҳо берилмади. Шу муносабат билан таъкидлаш зарурки, қонунчиликни қўпол равишда бузган ходимлар одатда ички ишлар идораларидан бўшатилади ва жиний жавобгарликка тортилади. Кейинги йиллар давомида интизом ва қонунчиликни бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортилганларнинг беш фоиздан кўпрогини (1993 йилда — 4,48 фоиз эди) ана шундай қонун бузишлар ташкил этмоқда. Оддий ва раҳбар ходимларни тарбиялаш ишига изчил ёндашилмаётган, уларнинг хизмат қилиш ва хулқ-атвори устидан назорат сусайган ички ишлар идораларида милиция ходимларининг қонун талаблари ва ИИБ меъёрий ҳужжатларидан четга чиқишларига йўл қўйилмоқда.

Яқин вақтгача одатда етарлича касб маҳорати, тажриба ва махсус билимларга эга бўлмаган ёш ходимлар қонундан четга чиқади ва жиноят содир этади деб ҳисобланарди. Бироқ амалий фаолиятда олиб ўрта махсус маълумотга эга бўлган, камида уч йилдан кўп хизмат қилган шахслар кўпроқ қонунчиликни бузганлар. Бинобарин, тажриба ёки махсус тайёргарликнинг йўқлиги ҳеч ҳам ваз жўла олмайди. Демак шахсий таркибни тарбиялаш ишини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилган. Шаҳар ва туман ИИБлари, темир йўл ИИБлари раҳбарлари ходимларнинг хизмат фаолияти ва турмушдаги хулқ-атвори устидан назоратни заифлаштирганлар, бўлинмалар жамоат ташкилотларининг тарбиялаш имкониятларига етарлича баҳо берилмаган.

Амалиётнинг кўрсатишича, профилактика фақат интизомий чоралар билан чекланиши мумкин эмас, ҳозир эса кўпинча ана шундай бўлиб қолмоқда. Профилактика барча ёндош омилларни ҳисобга олиши керак. Қонунчиликни бузишнинг олдини олиш учун уларни юзага келтирадиган сабабларни бартараф этиш, жамоаларда соғлом маънавий-руҳий иқлимини яратиш, қонунсизлик, ўзбошимчалик ва қўполчиликнинг ҳар қандай кўринишларига тоқатсизлик, ана шундай нохуш ҳолларга кенг ошқоралик тусини бериш лозим. Давр шахсий таркибнинг касбий тайёрланишини қайтадан мушоҳада этишни қатъият билан талаб этади. Сир эмаски, айрим шаҳар, туман, темир йўл ИИБлари, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида бу иш кўпинча умумий муаммоларни ўрганиш, буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиш билан чекланади.

Машгулотларда милиция ходими қуролли жиноятчини ушлаш, уни қуролсизлаштириш ва ҳоказолар чоғида тушиб қолиши мумкин бўлган вазиятлар етарли даражада ишлаб чиқилмайди. Баъзи ходимлар ўта қийин вазиятларда ҳаракат қилиш учун руҳий ёки жисмоний жиҳатдан тайёр эмасликлари туфайли тан жароҳатлари олишлари ёки ҳалок бўлишлари бежиз эмас. Кўпинча милиция ходимлари ўз жисмоний тайёргарликлари паст даражада бўлгани учун ҳуқуқ-тартиботни бузувчига бас кела олмайдилар, ваҳоланки, вақтлари етишмаслигини рўқач қилиб, улар бу борада етарлича ишламайдилар. Чунончи, ўтган йил июлида Қўйлик бозори атрофида аёл киши маст ҳолда жамоат жойида пайдо бўлгани учун уни ушлаш вақтида маст аёл

милиция ходимига тан жароҳати етказган. Бунинг устига, шаҳар ва туман ИИБлари, темир йўл ИИБлари, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг кўпларида жисмоний тайёргарлик учун зарур шароит мавжуд эмас.

Юқорида айтилганлардан айрим оддий ва раҳбар ходимларнинг касбий тайёр эмасликлари билан нафақат кўрсатилган сабаблар бўйича, балки айримларининг ўз хизмат бурчларини бажаришга, касбий маҳоратлари, маданий савияларини оширишга доир ишга бепарво муносабатда бўлишлари ва улар томонидан қонунчиликни бузишларга йўл қўйишлари ўртасида алоқа мавжудлиги кўзга ташланади.

Бинобарин, қонунчиликка қатъиян амал қилишни, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир собитқадам ишни ташкил этиш, иши республикада ўтказилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири деб билиш ички ишлар идоралари ва бўлинмаларининг барча даражадаги раҳбарлари олдига бугунги кунда турган асосий вазифалардан бири ва уларнинг бевосита бурчидир.

Шу муносабат билан шахсий таркиб ўртасида қонунчиликни бузишларга йўл қўймаслик бўйича чоралар тизимини ишлаб чиқиш, улар ўртасида барча хил сунистеъмомликларни аниқлаш бўйича ишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бунда қуйидаги масалалар асосий ўринни ишғол этиши керак:

- шахсий таркибни ҳуқуқий ва махсус жиҳатдан тайёрлаш;
- ходимларни тарбиялаш ва уларнинг касбий маҳорати ҳамда маданий савиясини оширишга доир иш, уларнинг педагогика ва психология асосларини ўрганиши;
- шахсий таркибни маънавий

камолотга етказиш, жисмонан ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, уларга зарур турмуш шароити, хизмат вазифаларини бажаришлари учун шарт-шароит яратиш;

— ишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш. Бунда хизматда фаолликни ва касб маҳоратини, оддий ва раҳбар ходимларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш масалалари, уларнинг ўз хизмат бурчларини тегишли тарзда бажаришлари ҳам ўрин олиши керак. Ҳуқуқ-тартиботни бузишга мойил ходимларни аниқлаш ва улар билан яқка тартибда профилактика ишини олиб бориш даркор.

Қонунчиликни бузишнинг ҳар қандай фактига ва ҳуқуққа қарши бошқа ҳатти-ҳаракатларга принципал муносабатда бўлиш билан биргаликда ана шу чораларни рўёбга чиқариш бизга нафақат турли хил унсурлардан халос бўлишга, балки республика ички шаҳар идоралари ва бўлинмаларининг шахсий таркибни ўртасида қонунчилик бузилишининг кўпгина сабабларини бартараф этиш имконини ҳам беради. Кадрларнинг софдил бўлиши учун курашни ҳаммамиз қатъият билан ва муросасиз олиб боришимиз керак.

Мен газетхонларимиздан унинг саҳифалари орқали сизнинг фикрингизча, ички ишлар идоралари ишида қонунчилик бузилиши фактларини илдири билан йўқотиш, шахсий таркибнинг касбий ва маданий тайёргарлик даражасини кўтариш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини айтишларини илтимос қиламан.

Я. ТИМОШЕНКО,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
бўлим бошлиғи,
ички хизмат полковниги.

ШУНДАЙ ХОДИМ БОР

Ўн беш йил муқаддам Тўрақўрғондаги 90-автокорхонага ҳаракат хавфсизлиги хизмати вазифасига катта муҳандис бўлиб Абдурахмон Тошматов келди. Оддий ўзбек йигити, бошидан чуст дўпписи тушмайдиган бу камтарин инсон тез орада йўл ҳаракати қондасини мукамал билиши, амалиётга татбиқ қилиши билан жамоада ишонч ва ҳурмат қозонди.

Хатто мутахассислар ҳам ҳаракат ташкил қилиш ечимларини ҳокимиятга тавсия этишда ундан маслаҳатлар олишади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги, Қасаба уюшмалари хайъати, Ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси томонидан Тошматовнинг ҳаракат хавфсизлигидаги ижобий ҳалол

ишларини Фахрий ерлик ва дипломлар билан тақдирланган.

Чунки у иш бошлагандан буён 90-автокорхона ҳайдовчилари айби билан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилмади. Хўжалик қайси объектда иш олиб бормасин, аввал у йўлни, кўприк, сунъий иншоотларни, айниқса автобус маршрутларини кўриб чиқади. Хавф бўлса ҳайдовчига тушунтиради. Зарур бўлса йўлдаги нуқсонни бартараф этиш учун ҳокимиятга ёзма равишда таклиф киритади. Ҳокимият қошидаги ҳаракат хавфсизлиги

комиссиясида фаол қатнашади.

Юқори идоралардан келган буйруқ ва кўрсатмаларни дилдан бажаради. Айниқса, темир йўл кесишмаларида хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор беради.

“Диққат, темир йўл кесишмаси” рейдида Абдурахмонни Оқтош — Шаҳанд магистрالي йўлидаги шлагбаум ёнида учратдик.

— Нефть базаси томонга ўтсак, рейдни тушунтириш мақсадга мувофиқ бўларди, — деди Абдурахмон.

Биз у жойда эллиқдан ортиқ ёнилғига келган

ҳайдовчини учратдик. Тушунтириш ўтказилди. Очиги, улар миннатдорчилик билдиришди. Чунки ёнилғи билан кесишмадан ўтиш энг масъулиятлиси!

— Касбингиздан мамнунмисиз? — сўрадим ундан.

— Албатта... Аммо баъзи бир муаммолар мени ташвишга солмоқда. Шартнома асосида ишлаётган, яъни аренда деб номланган ҳайдовчилар иши. Бу ҳайдовчиларнинг иши йўл варақаси олиш-у, шартнома асосида пул ишла топшириш. Улар қайси маршрутда, неча соат ишлайди, автомобилни қаерда сақлайди, жой талабга жавоб берадимми-йўқми? Мана шу томонлар бизни ташвишлантирмоқда.

М. НЕЪМАТОВ.

ШЕРИКЛАР ЖАМ БЎЛИШДИ

Ўша куни эру хотин одатдагидай ишга жўнашди. Кечга яқин ишларини тугатиб уйга келишганларида эса...

Хайратдан ёқа ушлашди улар. Хонадон шип-шийдон, ўғирлик содир этилган эди. Қимматбаҳо буюмлар, пуллар йўқ. Уйга кириладиган эшик бус-бутун. Қизиқ, ўғирлар қаердан киришди экан? Ва ким бўлди бу устаси фаранглар?

Уй сохиблари милицияга хабар беришди. Қидирув бошланди. Олиб борилган текширувлар беиз кетмади. Ниҳоят, ўғирлар икки ярим ой деганда кўлга олинди. Улар илгари ҳам жиноят қилган шахслар А. Бубикин ва Х. Ҳошимовлар бўлиб чиқди. Тергов олиб борилди. Маълум бўлишича, ўғирлар уч кишидан иборат бўлган.

Алишер Нуъмоновлар хонадонига ўғирликка тушиш илгаридан режалаштирилган. Яъни эр-хотин ишга кетишгач (уйда фақат икки киши яшаган), ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ертўла орқали (Нуъмоновлар биринчи қаватда яшашарди) ҳожатхонанинг туйнугини бузиб, ичкарига кириш мўлжалланган. Ўғирлар бунга эришганлар ҳам. Улар хонадондаги жами 635 минг микдордаги бойликни ўмариб кетишган.

Суд А. Бубикин ва Х. Ҳошимовларнинг жинойи ишини кўриб чиқиб, 6 йилдан қамоқ

жазосини тайинлади.

Ҳали ҳамма иш якун топмаганди. Милицияни учинчи жиноятчи — Олег Первушкин қизиктирмоқда эди. Табиийки, мазкур воқеадан сўнг жиноятчи қочиб юрарди. Олег А. Нуъмонёвлар оиласига яқин жойда истиқомат қилган. Бинобарин, ўғирлик режасини ҳам у ишлаб чиққан. Ўғирликдан тушган бойлик шериклар ўртасида “арра” қилинган.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Яқинда Олег Первушкин Тошкент шаҳрининг Шимолий шохбекатидан Москвага жўнаб кетмоқчи бўлганда ушланди. Қизикарли томони шундаки, учинчи ўғрини компьютер топиб беради деб ҳеч ким ўйламаганди.

Тажрибали терговчи С.

Пиринский А. Бубикин ва Х. Ҳошимовларни сўроқ қилганида улар учинчи шериги ҳақида оғиз очиб ўтадилар. Терговчи эса бу шахс билан қизиқиб, паспорт столидан Олегнинг тўлиқ фамилияси, паспорт серияларини ёзиб олиб, қидирувга топширади.

Худди шу нарса учинчи жиноятчини топишда жуда кўл келди.

Олег Москвага билет олмоқчи бўлиб, паспортини бекат кассирига топширган пайтда кўлга олинди.

Яқинда учинчи жиноятчи устидан бўлиб ўтган суд О. Первушкинни 6 йилга шериклари ёнига “курорт”га жўнатишга қарор қилди.

Зокиржон ШАРИФ.

БУХОРО

• **ЎТГАН** 1992 йил давомида Бухоро вилояти ҳудудида 1253 та одамлар мол-мулкни ўғирлаш, 306 та давлат мол-мулкни ўғирлаш ҳоллари содир бўлди. Вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борган тушунтириш ишлари, тунги хизмат гуруҳлари ишининг тўғри йўлга қўйилганлиги ва ходимларнинг тинимсиз меҳнати туфайли 1993 йилда бу турдаги жиноятларнинг сони аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада камайди. Бироқ, фуқароларнинг ишда бўлишлари ва уйларнинг қаровсизлигидан фойдаланаётган жиноятчи унсулар одамларнинг кўплаб шахсий мулкларига тажовуз қилмоқдалар.

• **Ф.** Хўжаев тумани Газли катта кўчасида яшовчи З.Бафоевнинг уйига кечкурун дераза орқали кирилиб, гилам ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ўғирланган. Милиция ходимлари ушбу жиноятни содир этган Бухоро шаҳрида

яшовчи 19 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер Б.ни аниқлаб ушладилар.

• **Когон** шаҳар Пролетаробод кўчасида яшовчи Т. Сафаровнинг узоқ вақт уйда бўлмаганлигини билган жиноятчи уй эшиги қулфини бузиб кириб, қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаган. Жиноятчини аниқлаб ушлагунча Когон тумани ички ишлар бўлими ходимлари анча тер тўкишди. Угри ҳеч қаерда ишламайдиган Когон шаҳри фуқароси Равшан Б. экан.

• **Январь** ойининг биринчи 10 кунлигида вилоятда қўй ва қорамолларнинг қаровсиз қолдирилаётганлиги оқибатида кўплаб ўғирликлар содир бўлди. Қоравулбозор тумани 3-давлат хўжалиги ишчиси У. Турдиевнинг 10 бош қўйи номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари ушбу жиноятни содир этган Бухоро шаҳрида яшовчи 20 ёшли, гирт бекорчи Комил Я.ни аниқлаб ҳибсга олдилар.

Вилоят ИИБ матбуот гуруҳи.

ҚОНУН БИЛАН ХИМОЯЛАНГАНЛАР

Жамоат тартибини сақлаш, шикоятни текшириш, жиноятнинг олдини олиш, содир этилган жиноятни очиш, оилавий жанжал... Буларнинг ҳаммаси участка вакилининг зиммасига юклатилган.

Жазо муддатини ўтаб қайтган фуқаролар билан ишлаш, уларни ишга жойлаштириш ҳам участка вакилларининг вазифасига кириди.

Красногорск кўргоний участка вакили, милиция капитани А. Махаматов кундуз соат иккиларда участка ҳудудини айланиб юриб, “Погребок” кафесига кириди. Кафеда у тўйиб спиртли ичимлик ичиб, атрофида ўтирганларни ҳақорат қилиб, идишларни синдириб тўполон қилаётган Р.Мухамедзяновни кўради.

Участка вакили уни тартибга чакирмоқчи бўлди. Бироқ Рафазл унга мушт кўтаради. Оқибатда А.Махаматов тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

Янгиобод — асосан ешлар, кончилар шаҳри. Шу сабабли бу ерда тез-тез турли хил тадбирлар — кечалар, дискотекалар бўлиб туради.

Бир куни дискотека бўлаётган маданият саройига спиртли ичимлик ичиб, яхшигина маст бўлиб олган икки ўсмир кириб келади. Ўзларини хон, қўланкаларини майдон санаган бу йигитлар дуч келган одамни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай бошлайдилар. Милиция ходимлари ердамга чақирилади. Бироқ безорилар уларнинг талабларига бўйсунмайдилар. Устига устак безорилар ИИБ нозирини М.Ғуломовга кўл кўтариб, бош кийимини футбол қилиб тепадилар ва унга тан жароҳати етказадилар.

Мана шу қилмишлари учун юқорида номлари қайд этилган жиноятчилар суд ҳужми билан жазоландилар. Чамамда милицияга кўл кўтарган бу каби шахслар “Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қонундан хали беҳабар кўринишади. Бўлмаса, милицияга кўл кўтаришдан аввал, охир-оқибатини яхшилаб ўйлаб кўрган бўлардилар.

М.МИРЗААҲМЕДОВ,
Янгиобод шаҳар ИИБ
бошлиғининг муовини,
милиция майори.



ўзаро жанжаллашиб қолишди. Айтишувлар ҳақоратга айланди, ҳақоратлар эса энг шимариб муштлашишга ўтди. Жанг Таманнохоннинг галабаси билан якунланди. Рақиб жароҳатланиб касалхонага ётқизилди.

ТЎППОНЧАБОЗ

Совуқ қуролнинг нияти доимо совуқ бўлади. 14 январь куни Наманган шаҳар фуқароси И. ўз уйида турмуш ўртоғи билан уришиб, ёнидан қўлда ясалган тўппончасини чиқарди ва хотинини отиб яралади. Жаҳл отига қамчи босган И. хотинининг онасиникига борди ва қайниси Умид ҳамда ўқувчи Улуғбекларни учратиб тўппонча ўқталиб қувлаб отди. Уқ Умиднинг юзига, қочиб кетаётган Улуғбекнинг эса бошига тегди. Қилар ишни қилиб қўйган қотил ўзини отиб ўлдириди.

Унинг ёнидан яна иккита тўппонча топилди.

Б. КАРИМОВ,
милиция лейтенанти.

ОЛТИТАГА ЕТГАНДИ...

Кейинги пайтларда Бекобод тумани Ойбек номили жамоа хўжалиги ҳудудида кетма-кет қорамоллар йўқолиб қола бошлади. Номаълум жиноятчилар далада юрган, хатто баъзи бир фуқароларнинг ҳовлиларида боғлиқ турган қорамолларни ўғирлаб кета бошладилар.

Мол йўқотган кишилар қидириб-қидириб молларининг тери, қалла ва оёқларини топиб олардилар. Ушбу ўғирликлар бўйича Бекобод тумани ички ишлар бўлимининг тергов бўлимида жинойи ишлар кўзгатилади. Номаълум жиноятчиларни аниқлаб, аҳолини “оч бўри”лардан халос этиш мақсадида ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги А.Алимбетов тезкор гуруҳ тузди.

Ойбек номили жамоа хўжалигининг милиция участка вакили, милиция лейтенанти Абдулла Холмуродов кўнгилли ердამчилар билан кечаси соат 24 лардан кейин хўжаликнинг 5-бўлимида айланиб юриб, йўл четида бир номаълум яшил рангли, қўшни Тожикистон республикасига қарашли “Москвич” автомашинасини кўриб қолди. Уни текширишди. Ҳайдовчи Петр Горенюк Хўжанд вилоятининг Табошар шаҳридан икки танишини олиб келганлигини баён қилди. Улардан шубҳаланган участка вакили кузатувни давом эттирди. Бир оздан сўнг икки киши нималарнидир автомашина орқасига юклаётганда кўлга олинди. Улар ҳозиргина сўйилган қорамол гўштини олиб кетмоқчи эдилар. Сўйилган мол эса Ойбек номили жамоа хўжалигида яшовчи Аликул Курбонқуловники экан.

Икки оёқли бўрилар бир вақтлар Ойбек жамоа хўжалигида яшаб, кейинчалик Табошар шаҳрига кўчиб кетган Абдуворис Оқбўтаев ва Бахтиёр Оқбўтаев бўлиб чиқди.

Сўнгги сўйилгани йўқолган олтинчи мол эди.

М. АКРАМОВ,
милиция катта лейтенанти.

Наманган

ТОК УРДИ

13 январь куни Чуст туманида яшовчи, 1977 йилда туғилган Музаффар ўз уйи олтидан ўтган юқори кучланишли электр симётоғига чиқиб, гўзапоё боғлаш учун сим олмоқчи бўлганда ток уриб ўлди.

ТАКАСАЛТАНГЛАР

Наманган шаҳар, Совет туманида истиқомат қилувчи Рустам, Ином, Абдулҳамид, Аҳмадлар бекорчиликдан зерикишиб юрганларида Ирвадон қишлоғилик Рустам учраб қолди. Унинг қўл соати ва ҳамёнидаги бор пулини олиб қўйишди-да, чурқ этса кунини кўрсатишларини айтишди. Кейинчалик ҳам кўча безорилик қилиб текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрдилар. Бир куни эса Ином “Яхна ичимликлар” ширкатига қарашли “ГАЗ-52” русумли автомашинани ўғирлаб миниб қочди. Ниҳоят, тўртовлон яна бир қабиҳлик қилишаётганида ички ишлар ходимлари томонидан ушландилар.

ОЖИЗАЛАР ЖАНГИ

Баъзи бир ҳодисаларни эшитиб ёқангни ушлайсан киши. Поп шаҳрида яшовчи банк ходимлари Таманнохон ва Ибодатхонлар

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА 7 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Армонли дунё".
18.45 "Қўриқхона бўйлаб". Телефильм.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.15 Ёлонлар.
19.20 "Саго" Телефильм.
19.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Удаева куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.50 "Эл манфаати йўлида".
21.20 "Искандар". Абдор Хидоятлов номидagi Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.15 "Билиб кўйган яхши".
19.35 Бевосита мулоқот. Давлат солиқ кўмитаси ходимлари билан учрашув.
20.35 "Махфий агент". Бадийий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 "Якшанба". Ахборот публицистик кўрсатуви.
6.45 "Тонг".
9.00 Янгилликлар.
9.20 "Тингланг, томоша қилинг...".
9.40 "Турмуш икки-чакирлари". Бадийий телесериал премьераси. 34-серия.
10.10 "Россия истеъдодлари".
10.35 "Мавзу".
11.20 "Икболи кулганда".
12.00 Янгилликлар.
12.20 "Тол".

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 "Тадбиркор".
16.20 Мультфильм.
16.30 "Янги номлар".
17.10 "Икболи кулганда".
17.50 "Технодром".
18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
18.30 "Тол".
19.05 "Хужжатлар ва тақдирлар".
19.15 "Протокол сатрларида".
19.25 "Турмуш икки-чакирлари". Бадийий телесериал премьераси. 34-серия.
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилликлар.
21.30 М. Булгаков. "Кабала святош". А. Чехов номли Москва Бадийий академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
00.05 "Спорт уик-энди".
00.20 "Мен сизга кўшиқ куйлаб бераман". Александр Галич.
00.50 Катталар учун мультфильм.
01.00 Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 "730-формула".
8.00 "Репортёр".
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Хужжатли экран. "Лев Толстой ҳақида сўз". 3-фильм.
9.50 "Ўз манзили".
10.20 "Янги чизик".
10.50 Мульти-пульт.
11.00 Хонаки экран. "Катта шаҳар чироқлари". Бадийий фильм.
12.30 "Бўйсунмас шоир хотираси". В. Високкий.
13.00 Эй-Би-Сининг дунё янгилликлари.
13.35 Телегазета.
13.40 "Дехқонларга- тааллуқли масала".

14.00 Кундузги сеанс. "Бор эканда, йўқ экан". Бадийий фильм.

15.30 Февралдаги кинолар.

15.45 "Россияда бизнес".

16.15 Болалар учун янгилликлар.

16.30 "Бола тилидан".

17.00 "Кутқариш хизмати 911".

18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Мульти-пульт.
20.25 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.30 Душанба куни детектив. "Қирол трэф". Бадийий фильм. "Эржюль Пуаро" сериалидан.
21.30 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Юлдузлар билан суҳбатда".
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 "Ҳақиқат онлари".

СЕШАНБА 8 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.10 "Қандай бўлмасин". Бадийий фильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси.

11.00 "Асрлар оҳанги". Телефильм.

11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 Болалар учун. "Камалак жилоси".

18.40 "Иқтисод сабоқлари".

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 Ёлонлар.

19.20 "Гуллар юртининг дурдоналари". Телефильм.

19.30 "Навоий гулшани".

19.40 Оқшом эртаклари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.50 "Барҳаёт наволар". Маъмуржон Узоқов.

22.10 "Плошчихадаги "Уч терак" қаҳвахонаси". Бадийий фильм.

23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 "Халқ саломатлиги йўлида". "ОМАД" таништиради.

20.05 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилликлар.

6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.

6.45 "Тонг".

9.00 Янгилликлар.

9.20 "Қувноқ нотачалар".

9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадийий фильм премьераси.

10.35 Николай Васильев куйлайди.

11.10 "Рок-сабоқ".

11.50 "Матбуот-экспресс".

12.00 Янгилликлар.

14.00 "Горячев ва бошқалар". Бадийий телесериал. 1 ва 2-сериялар.

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

15.25 "Тадбиркор".

16.10 "Иш".

16.20 "Менинг оилам ва бошқа жониворлар". Кўп серияли телефильм. 10-серия.

16.50 "Сехрли олам еки Синема".

17.10 "Рок-сабоқ".

17.50 "Мулкдор алифбоси".

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

18.25 "Парда ортида". Халқаро кўрсатув.

18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар".

19.05 "Оддий Мария". Кўп сериали телевизион бадийий фильм премьераси.

19.55 "Мавзу".

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.30 Режиссёр Л. Пчелкин фильмлари ретроспектив намойиши. "Ўғирлик". Бадийий фильм. 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида (22.45) — "Бомонд".

00.15 "Матбуот-экспресс".

00.20 Дунё шаҳарларининг тунги ҳаёти. "Варадеро".

01.00 Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 "730-формула".

8.05 Ишбилармон кишилар даври.

8.35 "Хайрли тонг, Европа!".

9.05 Усталар. "Қайтиш".

12.05 Хонаки экран. "Уйим тўри — қалбим кўри". Бадийий фильм.

13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала".

14.00 Санъаткор фильмлар жавонидан. Режиссёр Ю. Райзман. "Коммунист". Бадийий фильм.

15.50 "Параллеллар".

16.05 Эй-Би-Сининг дунё янгилликлари.

16.35 Болалар учун янгилликлар.

16.50 "Рост" студияси. "Кимнинг томони?".

17.20 "Шунчаки дўстлар фестивали".

18.00—20.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадийий телефильм премьераси. 277-серия.

20.55 "Энг соддаси".

22.00 Туркия телевидениеси Хабарлар.

22.25 "Тафсилотлар".

22.35 "Юлдузлар билан суҳбатда".

22.40 Спорт кўрсатуви.

22.45 "Мўмин-қобил йўлбошчилар".

23.15 "Жаноблар — ўртоқлар".

23.35 Криминал хабарлар экрани.

23.45 "Жонли афиша".

ЧОРШАНБА 9 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

7.00 — 9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.10 Республика газеталарининг шарҳи.

9.25 "Эй, ковбойлар". Бадийий фильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.

11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).

11.15 "Чотқол тизмаларида". Телефильм.

11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Ёругликнинг квант назарияси.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Муниса рақслари".

18.30 Солиқ инспекцияси фаолиятдан.

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 Ёлонлар.

19.20 Мусикий дақиқалар.

19.35 Премьера оддидан. "Қариб куйилмаган..." фильми ҳақида.

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.50 Тадбиркор минбари.

21.35 "Назм ва наво". Навоий лирикаси.

22.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 "02" тўлкинида".

19.35 "Спринт".

19.55 "Шаҳар юмушлари".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилликлар.

6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.

6.45 "Тонг".

9.00 Янгилликлар.

9.20 "Ҳакка". Болалар ахборот кўрсатуви.

9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадийий фильм премьераси.

10.30 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан).

11.20 "Джэм".

11.50 "Матбуот-экспресс".

12.00 Янгилликлар.

14.30 "Горячев ва бошқалар". Бадийий телесериал. 3-серия.

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

15.25 "Тадбиркор".

16.20 Мультфильм.

16.50 "Джэм".

17.20 "700-клуб".

17.50 "СБ" жумбоги".

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.

18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадийий фильм премьераси.

19.45 "Тун. Кўча. Фонарь...". В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.30 1994 йил кўшиқлари.

22.25 Актерлар ва тақдирлар. "Малиновкада тўй". Бадийий фильм.

00.15 "Матбуот-экспресс".

00.25 "Оқ ва қора". Мусиқа санъати тарихидан. Кўрсатуви М. Таривердиев олиб боради.

01.00 Янгилликлар.

01.35 "MTV"

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚКАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 9 февраль куни "Дубль IV" кўрсатувлари соат 14.00 дан бошлаб намойиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.00 "Дунё аёллари". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 8-серия.

14.30 Актер кинотеатри. В. Лановой. "Анна Каренина". Бадийий фильм. 1-серия.

15.45 "Янги чизик".

16.30 Болалар учун янгилликлар.

16.45 "Рост" студияси.

17.15 "Катта хоккей".

17.45 Концерт.

18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Мульти-пульт.

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадийий телефильм премьераси. 278-серия.

21.15 "Ностальжи" — барча авлодлар мусиқаси".

21.45 Криминал хабарлар экрани.

21.55 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 "Тафсилотлар".

22.35 "Юлдузлар билан суҳбатда".

22.40 Спорт кўрсатуви.

22.45 "Ҳақиқат онлари".

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Таълим ва ислоҳот".

18.40 "Рамазон муборак!".

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 Ёлонлар.

19.20 "Дадил одимлар". Телевизион киножурнал.

19.30 "Хотира". Ўзбекистон халқ рассоми М. Мусаев.

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.50 Бевосита мулоқот.

21.50 Рақслар гулдастаси.

22.20 "Учрашув". Ўзбекистон халқ шоираси Халима Худойбердиева.

23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

23.50 "Матбуот-экспресс".
 24.00 Футбол. Уэмбли сари йул.
 01.00 Янгиликлар.
 01.35 "Авто-шоу".
"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 7.30 "730-формула".
 8.00 "Сигнал".
 8.25 "Ишбилармон кишилар даври".
 8.50 "Кетдик".
 9.00 Янги чизик.

 11.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 278-серия.
 12.45 "Параллеллар".
 13.00 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала".
 13.50 "Одий кунлар".
 14.35 Актёр кинотеатри. В. Лановой. "Анна Каренина". Бадий фильм. 2-серия.
 15.45 А. С. Пушкин. "Евгений Онегин". 5-боб. С. Юрский ўқийди.
 16.25 Болалар учун янгиликлар.
 16.40 "Рост" студияси. "Менинг Пушкиним".
 17.10 "Янги чизик".

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Мульти-пульти.
 20.10 "Хар бир кун байрам".
 20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 279-серия.
 21.10 "Ўз-ўзига режиссёр".
 21.40 Россия Федерацияси Олий суди залидан.
 21.55 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
 *
 22.25 "Тафсилотлар".
 22.35 "Юлдузлар билан суҳбатда".
 22.40 "Янги йил аттракцион-94".

ЖУМА
11 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

7.00—9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви.
 *
 9.10 "Шум бола". Бадий фильм.
 10.40 "Саодатли санъат сайёралари". Фильм-концерт.
 11.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Газалхон ёшлигим".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.15 Ёлонлар.
 19.20 "Ишбилармон".
 19.35 "Одобнома".
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.50 Юнус Ражабий номдаги макомчилар ансамблининг концерти.
 21.30 "Таниш чехралар". Кинокўрсатув.
 22.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.15 "Ватаним маним...". Адабий композиция.
 19.45 Болалар учун фильм. "Кўзойнакли бола".
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.50 "Кизил қор ёққанда". Бадий фильм.
"ОРБИТА IV"
 6.00 Янгиликлар.
 6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 6.45 "Тонг".
 9.00 Янгиликлар.
 9.20 Эртақ хузурида меҳмонда.

"Соатлар бонг урганда". Бадий фильм.
 10.50 "Воронеж қизлари". Концерт.
 11.20 "Америка М.Таратута билан".
 11.50 "Матбуот-экспресс".
 12.00 Янгиликлар.

 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 15.25 "Тадбиркор".
 15.55 "Бизнес-класс".
 16.10 Халқ оҳанглари.
 16.20 Эртақ хузурида меҳмонда. "Соатлар бонг урганда". Бадий фильм.
 17.50 "Мулқдор алифбоси".
 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 18.25 Маданият янгиликлари.
 18.40 "Инсон ва қонун".
 19.15 "Америка М.Таратута билан".
 19.45 "Мўъжизалар майдони".
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгиликлар.
 21.30 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 30-серия.
 22.30 "Хафтанинг машхур кишиси".
 22.50 "Премьерадан сўнг". П. Штайн.
 23.20 "Матбуот-экспресс".
 23.30 "Академия". Дам олиш кўрсатуви.
 24.00 "Мўзобоз".
 00.40 "X" программаси.
 01.00 Янгиликлар.
 01.35 "Обоз" майдончаси. Сергей Крилов.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 "730-формула".
 8.00 "Динозаврга айланмайлик".
 8.20 "Ишбилармон кишилар даври".
 8.50 "Кетдик".
 9.00 А.С.Пушкин. "Евгений Онегин". 6-боб. С.Юрский ўқийди.
 9.30 "Ўз манзили".
 10.00 "Янги чизик".
 10.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 279-серия.
 11.20 "Эрон: ўтмиши, бутунги кун ва келажаги".
 11.50 "Россияда бизнес".
 12.20 "Хали англамаган коинот".
 12.55 Телегазета.
 13.00 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала".
 13.50 Россия телевизион театри Ж.Сименон. "Асл моҳиятигача". 1 ва 2-қисмлар.
 15.45 Жума кунлари Дисней. "Малика Бугеди". Бадий фильм. 1-серия.
 16.35 Болалар учун янгиликлар.
 16.50 "Янги чизик".
 17.35 "Видеошеърят" Н.Горбаневская.
 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Россия давлатининг герби". Хужжатли фильм.
 20.30 Телеэкранда премьераси. "Эшафот бўйлаб сайр". Бадий фильм.
 *
 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
 *
 22.25 "Тафсилотлар".
 22.35 "Юлдузлар билан суҳбатда".
 22.40 Киномарафон. "Иван Грозний". Бадий фильм. "Тарих саҳифалари" туркумидан. 1-серия.

ШАНБА

12 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

7.00—9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви.
 *

9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
 9.25 "Хур қиз". Бадий фильм.
 10.55 Ўзбек тилини ўрганамиз.
 11.25 "Кичик қорхоналар истиқбол".
 11.55 Республикада хизмат кўрсатган артист А.Абдуқодиров ижросида Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари.
 12.25 "Ёшлик" студияси. "Истеъдод кўриги".
 13.05 "Цирк! Цирк! Цирк!".
 13.55 Мактаб ўқувчилари учун. "Кувнок стартлар".

18.00 "Сирли сандиқ".
 18.50 Шеърят дақиқалари.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.15 Жаҳон спорти янгиликлари.
 19.30 Телевизион миниатюралар театри.
 20.15 Оқшом эртаклари.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.50 Халқаро шарҳловчилар даврасида.
 21.20 Мумтоз мусиқа кечаси.
 22.20 "Ўзбекистон" ахбороти.
 22.40 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.15 Болалар учун. "Табассум".
 19.55 "Рақс соҳибаси". Фильм-концерт.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.50 "Комария йили". Корейс халқининг миллий байрамига бағишланган кўрсатув.
"ОРБИТА IV"
 6.50 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 7.00 Мультифильм.
 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
 7.55 Янгиликлар.
 8.35 "Майдан" ёшлар фольклор ансамблининг чиқиши.
 9.05 "Марафон-15" таништиради...
 9.40 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
 11.05 "Тонги почта".
 11.35 "СМАК".
 11.50 "Тиббиёт ҳамма учун".
 12.25 "Тилларанг булут тунлаб қолди". А. Приставкин.
 13.05 "Экстро-НУЖ".
 13.35 Хаёт ва сиёсат. "Россия — Буюк Британия: ҳамкорлик қирралари".
 14.05 Мультифильм.
 14.20 "Хайвонот оламида".
 15.00 Янгиликлар.
 15.25 "Пеппи — Узунпайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 21-серия.
 15.55 Дизайнерлар ва мусаввир-модельерларнинг халқаро телефестивали.
 16.10 "Пародиялар оламида".
 16.45 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Финляндия — Чехия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
 18.30 "Миниатюра".
 18.45 "Коламбия-пикчерс" таништиради: "Қойилмақом жуфтлик". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
 19.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 19.55 XVII қишки олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
 22.05 Янгиликлар.
 22.35 "Коламбия-пикчерс" таништиради: "Денгиз ҳам хикоя қилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
 23.25 "Матбуот-экспресс".
 23.35 Т.Гвердигелининг ижодий кечаси.

01.00 Янгиликлар.
 01.35 "Хаммаси қайта бошидан". Вадим Казаченко хикоя қилади.
"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

9.25 "Мегаполис".
 9.55 "Сиз яратган бог".
 10.25 "Рост" студияси.
 *
 10.55 — 14.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
 10.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
 11.05 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари".
 11.40 "Чинсэн" (корейс тилида).
 12.15 "Жаҳон ва биз".
 12.55 "Рангинкамон" (тожик тилида).
 13.40 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.00 "Дехқонларга тааллуқли масала".
 14.20 Киномарафон. М.Горький номли студия фильмлари. "Комиссар".
 16.20 "Навқирон Россия". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 2-серия.
 17.15 "Оқ ва қора".
 17.45 Спорт кўрсатуви.
 17.50 "Экспоарказ" таништиради.

18.00 — 20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Бола тилидан".
 20.30 Киномарафон. "Иван Грозний". Бадий фильм. "Тарих саҳифалари" туркумидан. 2-серия.
 *
 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
 *
 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда".
 22.30 "Репортёр".
 22.45 "К-2" таништиради: "Америка юлдузлари".
 23.15 "А" программаси.

ЯКШАНБА
13 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

7.00—9.10 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви.
 *
 9.10 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 53-54-сериялар.
 10.40 Болалар учун. "Биргаликда куйлаймиз".
 11.10 Инглиз тили.
 11.40 Телевизион миниатюралар театри.
 12.25 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чирок".
 13.25 "Қишлоқ ҳаёти". Публицистик кўрсатув.
 14.25 "Вобкентлик хонанда". Фильм-концерт.

 18.00 Болалар учун. "Қўнғирқоча".
 18.30 "Ўзбекона лутф".
 19.00 "Хафтанома" (рус тилида).
 19.30 "Ойна жаҳонда".
 19.50 Дам олиш концерти.
 20.30 "Хафтанома".
 21.10 "Кино усталари". Радж Капур.
 21.50 "Театрлаштирилган томоша".
 23.00 "Хафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
 17.00 "Мультифейерверк".
 17.25 "Курьер".
 17.40 "Турли икир-чикирлар".
 17.55 "Хар соҳадан бир шингил".
 18.05 "Совга".
 18.30 "Даракчи".
 18.40 Ёлонлар.
 18.45 "Видео-О".
 20.30 "Курьер".
 20.45 "Юлдузли осмон".
 21.00 "Юлдузлар жилоси".
 21.15 "Даракчи".
 21.25 Ёлонлар.
 21.30 "Видео-О".

"ОРБИТА IV"

6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 6.55 "Рухни чиниктириш".
 7.55 Янгиликлар.
 8.30 "Телесеренада".
 9.00 "Арт-курьер".

9.30 "Эрта сахарлаб".
 10.00 "Полигон".
 10.30 "Спортлото".
 10.45 "Хамма уйдалигида".
 11.15 "Тонг юлдузи".
 12.05 "Марафон-15".
 12.45 "Саёҳатчилар клуби".
 13.30 "Провинция".
 "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради:
 14.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси.
 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

*
 15.00 Янгиликлар.
 15.20 "Станица" фольклор ансамблининг концерти (Волгоград шаҳри).
 15.40 Мультфильмлар премьераси: "Мушук Феликс", "Ҳақиқий ажина оловчилар".
 16.35 "Хунарли хор бўлмади".
 16.40 "Панорама". Халқаро кўрсатув.
 17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
 18.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Иккиликлар. Эраклар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
 18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 19.00 "Ўтроқ халқлар йили" кинофестивали.
 19.30 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет.
 20.20 "Тартюф". Телевизион бадий фильм премьераси.
 22.00 "Якшанба". Ахборот публицистик кўрсатуви.
 22.45 "Россия тароналари". Халқ кўшиқлари ижрочилари Бутунроссия телерадиотанловининг ёпишига бағишланган концерт.

00.15 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Швеция — Словакия терма командалари. 2-ва 3-даврлар. Лиллехаммердан кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.55) — Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 9.30 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. Россия — Норвегия. Лиллехаммердан кўрсатилади.
 12.00 "Аты-баты...".
 12.30 "Чемпионлар учун нонушта".
 13.00 "Рост" студияси.

13.30 — 16.20

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
 13.40 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
 14.10 "Замандас" (қозоқ тилида).
 14.50 "Бизнен мирас" (татар тилида).
 15.25 "Дилга яқин кўшиқлар". Муסיкий кўрсатув.
 16.00 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.20 "Здоровье".
 16.50 "Кесиб ташламанг...".
 17.05 "Изабель". Дам олиш викторинаси.
 17.55 Диснейнинг сеҳрли олами. "Гуфи ва унинг командаси", "Қора плашч".
 18.55 "Катта хоккей".
 19.30 "Оқ қарга".
 20.15 "Хар бир кун байрам".

20.25 — 22.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда".
 22.25 "Қшоша хузурида".
 22.55 Си-Би-Эс кинотеатри. "Адолатнинг кўзи кўр". Бадий фильм.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан.)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Унинг орқасидан Тиловберган, Ўсаркул ва арқон, йиғма нарвонни кўтариб олган Бойхон узун-қисқа бўлишиб, Жуманниқига равона бўлишди. Улар ўғри мушукдек пусишиб, унинг орқасига ўтишгач, бараварига тепага қарашди. Қарашди-ю, хафсалалари пир бўлиб, донг қотиб қолишди. Қай қўз билан кўришсинки, бир кун олдин тахта эшикчаси бўлган чердак даричаси маҳкамланиб, лой билан суваб ташланганди.

— Дарича йўқ-ку? — пичирлади Тиловберган.

— Суваб ташлабди, — деди Қамбар бўшашиб.

— Ниятларингни сезиб қолганга ўшайди.

— Сезган эмас, мол-мулкдан кўриб, хавфсизраганидан шундай қилган.

— Нариги енида даричаси йўқми?

— Бор-у, лекин у томондан кириб бўлмайди.

— Нега?

— Негаки, у енбоши ҳовли деворининг ичида. Ҳозир эр-хотин ҳовлидаги сўрида ётишди, кучугиям бор.

— Нима қилдик энди?

— Томнинг устидан шиферни кўчириб кириш керак, — деб маслаҳат берди Ўсаркул.

— Бўлмайди, — деб рад этди Қамбар Ўсаркулнинг фикрини, — шиферни бузишда овоз чиқса, уйғониб қолишлари мумкин.

— Нима қилти, уйғонишса, гумдон қиламиз, — беписанд оҳангда деди Тиловберган.

— Эҳтиёт бўлиш керак, — гапга қўшилди Бойхон, — Жуман кечаси енига милтиқ қўйиб ётармиш.

— Шу даричанинг ўзини очамиз, — деди Тиловберган қатъий оҳангда.

— Ўйлаб ўтиришнинг хожати йўқ, мавриди ҳам эмас. Ўйчининг ўйи бит-гунча, таваккалчининг иши битида.

— Маъкул, — деди Қамбар ва Бойхоннинг кўлидан йиғма нарвон олиб тўғрилагач, охиста деворга суюди.

Тиловберган шу заҳотиёқ ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, гап-сўзсиз нарвонга кўтарилди. Бўйи дарича шифтига бемалол етадиган бўлганидан сўнг зинада тўхтаб, шимининг қайишига тақилган ярим газли пичогини кинидан сўғирди ва авайлаб сувоқни кўчириб тушира бошлади.

Шанба кунни эди. Одатда бундай кунларда қариндош-уруғлар бир-бирлариникига борадилар, меҳмонда бўладилар.

Тўртинчи декабрь кунни Отабекларникига ҳам келиноийси Назира опа меҳмон бўлиб келди.

Шу кунни келиноий ва мезбонлар кечгача чақчақлашиб ўтиришди. Меҳмон етиб қоладиган бўлди. Биргаликда телевизор томоша қилишди, сўнгра яхши кайфиятда уйкуга ётишди. Аёллар бир хонада, эркаклар бошқа бир хонада эдилар.

Худди шу дақиқаларда икки қалин ўртоқ — Ҳикматулло ва Жўрабеклар бу оиланинг бойлигини шилишга, тинчлигини бузишга жазм этгандилар. Қишининг авжи чилла фасли эмасми, атроф оппоқ қор билан қопланган. Совуқ шамол эсиб турибди. Вақт ярим тунга яқинлашиб, ҳамма ширин уйкуга кетган, фақат икки қароқчи “зарур” иш билан банд. Улар олдиндан босқинчилик қилишни маслаҳатлашиб олган бўлсалар-да, бир бегуноҳ кишининг қотили бўлишни уйламаган эдилар. Мақсад Рустамовларнинг бойлигини талаш эди. Улар бу ишга олдиндан тайергарлик кўришди. Босқинчилар ўзлари билан пичоқ, ниқоб, арқон олдилар.

Ҳикматулло Султонбек аканинг кўшниси. У ешлигда кўшнисиқига кириб-чиқиб юрган. Нима ҳаерда туришини яхши билади. Кейинги пайтларда у ен кўшнисиқининг мулкига кўз олайтирди. Айниқса, Султонбек аканинг “Жигули” машинаси уни

Нормамат ТОВА



Шу пайт пичоқнинг учи қаттиқ нарсга тегиб гичирлаб кетди. Тиловберган қурт чайнагандай гижинди ва пайпаслаб кўриб, дарича гишт терилиб сувалганини пайқайди. Энди у пичоқни қия солиб лойни кўчира бошлади ва усти очилган ҳар бир гиштни бирма-бир олиб, пастга Қамбарга узатаверди. Пастдан иккинчи зинада турган Қамбар гиштни Бойхонга узатгач, ўз ўрнига Ўсаркулни чиқарди. Шу тахлит Тиловберган лой ва гиштни юқоридан пастга бузиб келавергач, ниҳоят даричани очди. Даричадан бош суқиб, чердак ичига қарамоқчи бўлган Тиловберганнинг пешонаси дагал нарсга тегиб, сесканиб тушди. Сўнг секин кўлини узатганди, бармоқларига тикон қадалди. Тиловберган эътибор билан қараб, дарича оғзи ичкаридан янтоқ билан ҳам маҳкамланганини сезди ва газабдан титраб, бақириб юборишига оз қолди. Нафасини ютиб, паст овозда болохонадор қилиб сўқинди:

— Ўх, онангни... Жуман, бизданам ўтган уста экан-ку.

У икки кўли билан даричанинг икки раҳидан маҳкам ушлаб, ўнг оёғини зинадан олмасдан чап оёғини даричадан суқиб, янтоқ-ғарамини тегиб кўрди. Зич босилган экан,

қимирламади. Алам билан пастга тушди-да, Қамбарнинг кулоғига шивирлади:

— Биз шохида юрибмиз десак, бу баргида юрган экан. Даричанинг оғзига ичкаридан ғарамлаб янтоқ босилган, кириб бўлмайди. Яхшиси, янтоққа гурурт чақиб, ўт қўйиб кетамиз. Бизгайм йўқ, унгайм, вассалом.

Қамбар бошини қашлаб, нималарнидир мулоҳаза қилиб узоқ ўйлаб тургач, Тиловберганнинг елкасидан босиб шивирлади:

— Мен ҳозир келаман.

Бироздан сўнг Қамбар кўлида учи айри, икки газча узунликдаги кесилган бақувват дарахт шохи билан қайтиб келиб нарвондан тепага чиқиб кетди. У даричага рўпара бўлгач, дастани икки қўллаб тутиб, учи айри томони билан янтоқ ғарамини ичкарига сура бошлади. У бир пасда Жуман темирчи ясаган химоя тўсикни титиб ташлаб, чердак ичига кенг йўл очди-да, “лип” этиб ўзини ичкарига олди. Буни кўрган Тиловберган ҳам Бойхондан фонар билан арқонни олиб юқорига кўтарилди. Тиловберган даричага етиб боргунча Қамбар гўрдек қоронгу чердак ичида гимириб чамадонларни топган ва иккитасини дарича енига олиб келишга ҳам улгурганди.

Тиловберган ўнг кўлини ичкарига чўзиб фонарни екти. Қамбар унинг кўлидан фонарни оларкан, шивирлади:

— Боғлаб, пастга узатаверинг.

Тиловберган чамадонларни бирма-бир туткичидан боғлаб пастга тушираверди. Ўсаркул пастга ечиб олиб, арқонни жўнатаверди. Шу тахлит беш чамадон ҳам пастга туширилгач, Қамбар Тиловберганга шивирлади:

— Орқамдан юринг.

Икковлашиб халталардан бирининг оғзидagi боғлиқ ипни ечишди. Халтадаги темир-терсақлар автомашиналарнинг қандайдир эҳтиёт қисмлари экан.

— Бу чердак эмас, бутун бошли база экан, — деди Тиловберган нариги бурчакдаги қатор турган яшик ва халтачаларга қараб.

— Бизга темир-терсақлари керак эмас, — деди терлаб кетган Қамбар хансираб. — Ҳозирча чамадонларнинг ўзи етади. Лекин, ароғидан бир яшик оламиз, хордиқ чиқаришга керак.

Улар битта халтани темир-терсақлардан бўшатишиб ўрнига яшиклардан биридаги ароқларни жойлашди-ю унияма пастга узатишгач, ўзлари ҳам тушишди. Чамадонлардан иккитасини Қамбар, иккитасини Тиловберган, бир чамадон билан нарвонни Бойхон, ароқ тўла халтани эса Ўсаркул елкалаб келган томонларига жўнаб кетишди.

Тонг билан уйғонган Жуман маст уйкуда ётган хотинини турткилай бошлади:

— Тур, тезроқ бўл, бозорга кечикасан. Айтмовдимми сенга, бозорга олиб борадиган нарсаларингни кечаси тайерлаб қўйгин, ухлаб қоласан, деб. Мен ҳозир чердакдан чамадонни тушириб бераман, сумкангни тайерла.

Хотини ўрнидан ярим туриб эснагач, кўзларини уқалаб гудранди:

— Бугун Муборак бозорига борсаммикин эки Косонга кетсаммикин-а?

Жуман чердак даричаси томон

кетатуриб жавоб қилди:

— Қайсинисига автобус аввал келса шунисига боравер. Мен темир-терсақлардан олиб Касбига бораман.

Шу гапдан сўнг нарвондан кўтарилиб чердак даричасини очган. Жуманнинг юзига енгил шабада урилди. Бошини даричадан ичкари суқиб, нариги томонидаги дарича ўрни очиклигини кўрган Жуман беихтиёр сесканиб кетди. Ичидан нимадир узилгандек бўлиб, тиззалари қалт-қалт титради-ю оёқлари нарвон зинасида чалқашиб эски чопондек “тўп” этиб ерга кулаб тушди. Бу холни кўрган хотини додлаганича эри томон югурди. Етиб бориб, эрининг бошини тиззаси устига олди. Қаттиқ кўриб кетган Жуман дунедан кўз юмган эди. Хотини бир ўкраб йиғламоқчи бўлди-ю лекин унинг ўлганига ишонмади. Бозор кўрган хотин эмасми, ҳақиқий чайқовчиларга хос эҳтиёткорлик, хушёрлик билан ўзини тутди. Қалбидаги меҳрини кўпдан бери пул, мол-дунё хирси эғаллаб олган бу хотинни ҳозир шу дақиқада Жуманнинг очик қолган кўзлари даҳшатга солмади, кўққисдан содир бўлган ўлими ҳам эсанкиратиб қўймади. У Жуманнинг бошини шашт билан тиззаси устидан ерга олиб қўйди-ю шитоб билан нарвон зиналаридан юқорига кўтарилди бошлади. Очик қолган даричадан қорни қисилиб, пишиллаб, хансираб ўзини ичкарига олган Норхол эмаклаб бориб чамадонлар турадиган бурчакни пайпаслади. Беш чамадондан биронтаси ҳам жойида йўқлигини пайқаб, Норхолнинг жони хиқилдоғига келди. Бадани яхлаб, эвлари увиша бошлади. Телбаларча ивирсиб ароқ яшиқларни санай кетди. Ўн яшиқдан биттаси бўш, темир-терсақлар жойланган икки халтанинг бири йўқ эди. Шундагина кўча тарафдаги суваб ташланган дарича ўрни очик турганини кўргач, ҳаммасини фаҳмлади. Эмаклаб бориб, очик даричадан пастга мўралади. Пастда гишт уюмидан бўлак ҳеч нарсга йўқ эди. Зўрга судралиб нариги дарича енига етиб олгач, мурдадек шилқиллаб қолган гавдасини зўр-базўр тиклади, оёқларини бирин-кетин даричадан чиқариб, нарвон зинасига пайпаслаб босди ва қандай азобда қирган бўлса, шундай азобда даричадан чиқиб, шалвираганича пастга туша бошлади.

(Давоми бор).

Жиноят жазосиз қолмайди

Ўн беш йил. Кам эмас

“Унинг битта айби бор. У ҳам бўлса гўзаллиги”. Янглишмадингиз. “Анна Каренина”дан. Айнан шундай бўлмаса-да, шунга ўхшаш ифода.

Гўё бу гаплар Нодирага аталгандай. Уни севдилар, олқишладилар, қўшиқлар битдилар, гуллар тутдилар, йўлини пойладилар. Улар кўп эдилар. Нодира исмли фаришта эса оламда биттадек. Омадсиз ошиқлардан бири кўксига аламзада муштраб қасам ичарди:

— Менга тегмасанг ўлдираман!

Нодира ўшанда Комилнинг гапларига эътибор қимаганди. Қалбида муҳаббат яшаган инсон

разилликдан йироқ бўлади, деб ўйларди қизгина.

Разил ошиқ сокин туиларининг бирида Қарши Давлат дорилфунунининг талабаси, сеvimли Нодирани ўлдирди.

Йўқликка, йўқликка... Ўзигайм йўқ, бошқаларга ҳам.

Бу ҳақда “Постда”да мақола берилган эди.

Яқинда вилоят суди ҳайъати Нодиранинг қотили — Комил Жонқобиловни Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 80-моддаси, 6-банди билан айбдор деб топиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этди.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ, милиция майори.

қизиктириб қолди. Машинани ўғирлаш йўлларини қидирди, топди ҳам. Фақат ўзига шерик керак. У шерик қилиб Жўрабекни илтириди.

Кўшнисиқининг болохонаси бор, унга туташиб бир дарахт ўсади. Дарахт орқали эса болохонага чиқиб, у ердан бошқа хоналарга ўтиш мумкин.

оёғини боғлапти (бу Жўрабек эди). Бошида ниқобли кимса пичоқ ўқталиб турибди.

— Қимирласанг сўяман! — таҳдидли гапирди у.

Султонбек ака нима қиларини билмай қолди.

— Нима керак сизларга?

бўлди. У кўлидаги пичогини оила бошлигининг дуч келган жойига санчаверди... ўн беш марта. Кўрпа-тўшак қонга беланди. Бу даҳшатдан қотиб қолган Отабек кўрқув исқанжасида ўзини деразадан ташқарига олди.

— Ойжoo-н-н!!!

Қўшни. БОЛА ҚИЛМИШИ

Шундай қилиб, икки оғайни ҳамма уйкудалигида ўша дарахт орқали Рустамовларнинг болохонасига кўтарилишди.

Ўғрилар болохонадан пастга тушиб, бўш хоналарни бирма-бир титиб чиқишди, қимматбаҳо нарсаларни, жумладан, икки гиламини ўраб, олиб кетишга тайерлашди. Шундан кейин ҳам уларнинг кўнгиллари тўлмади ва ота-бола ухлаб ётган хонага киришди. Мақсад оила бошлигини кўрқитиб пул талаб қилиш эди. Ҳикматулло олдиндан тайерлаб қўйилган пичогини ухлаб ётган Султонбек аканинг юзига кўндаланг қўйди. Совуқ нарсдан сесканиб кетган ота аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Кимдир унинг

— Жим!!!
Бу таҳдиддан сал нарида ётган Отабек уйғониб кетди. Боланинг сезгиси кучли эканми, у Ҳикматуллонинг овозидан таниб қолиб:

— Нима қилаясан, Ҳикмат?! — деганича югуриб келиб босқинчига епишди.

Ҳикматулло Отабекни итариб юборди, бола яна тирмашувди, кўкрагини ўткир нарсга тилиб ўтди. Босқинчиларнинг сири очилган, Ҳикматуллони таниб қолишган эди. Энди ота-болани бир ёқли қилишмаса, эртага ёмон бўлади. Шуларни ўйлаб босқинчи қаҳр-ғазабга тўлди. Энг даҳшатлиси худди шу пайта содир

Шовқин-сурондан нариги хонада ухлаб ётган Муяссар опа ва Наргиза келиноийлар югуриб чиқишди. Ниқобли шахслар эса қочиб кетишди.

— Вой-дод, дадаси!...

Муяссар опанинг фиғони кўкка ўрлади. Гўё тун ҳам бир чўчиб тушди. Дод-фареддан кўни-қўшнilar югуриб чиқишди. Зудлик билан ота-болани касалхонага элтишди. Афсуски, Султонбек ака пичоқ жароҳатига дош беролмади, бу еруғ жаҳон билан видолашди. Айби не эди унинг?...

Султонбек ака автокорхонада шофер бўлиб ишлар, эндигина 42 баҳорни қаршилайётган эди. Яна шуниси ҳам борки, Султонбек ака ҳозирда кексалик гаштини сураётган

онасининг беш опа-сингилдан кейинги Аллоҳдан тилаб олган елғиз ўғли эди. Онахон не-не қийинчиликлар билан катта қилган ўғлининг бахтини энди-энди кўра бошлаганда, бу ҳодисот унинг дил қосасини чил-чил синдирди, адои тамом қилди. Хайриятки, невараси асраб қолинди.

Машъум қотиллик хабари дарҳол Чилонзор тумани ИИБга етказилди.

Тажрибали терговчи И.Жарикбасов қисқа даврда жиноятчиларнинг айбини очиб берди. Қотиллар айбларига иқроп бўлишди.

Ҳ.Ишматов муқаддам судланган, фуқаролар мулкни ўғирлагани учун уч йилга озодликдан маҳрум этилганди. Вояга етмагани учун ҳукм ижроси кечиктирилганди. У милиция ҳисобида турган. Шу ўринда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш назорати ходимларининг ўсмир билан жиддий шугулланмаганликларини айтиб ўтиш жоиздир. Агар бола қаттиқ назорат остига олинганида, бекорчиликдан қутқарилиб, бола тақдир билан чуқурроқ шугулланганида балки машъум қотиллик содир бўлмасмиди.

Ҳикматуллонинг шериги Ж.Жалолов илгари судланмаган. Бирок ота-онасининг лоқайдлиги, назорат қилмаслиги оқибатида у Ҳикматулло сингари безориларга қўшилиб қолган. Кўр-кўрни қоронғуда ҳам топади, деганларидек, қотил билан фикрлари бир жойдан чиққан.

Б.ОДИЛОВ,
Чилонзор туман прокурори муовини.

ИЖОД

Ўроз ҲАЙДАР

ДИЛ ФАРЁДИ

(Ашаддий жиноятчилар билан олишувда ҳалок бўлган Китоб тумани ИИБ ВЕИН ходими, милиция капитани Абдурашид Назаров хотирасига)

Чамбил қишлоқ боғларига куз қўнди,
Шум хабардан ёниб турган шам сўнди,
Шўрлик отанг олтмишида тол йўнди,
Юлдуз бўлиб қайга ўчдинг, Рашиджон!

Қайтган турна қайтиб келар баҳорда,
Дала-қирга куйлар сочиб наҳорда,
Овозинг бор оқаятган анҳорда,
Ўттизингда ерни қўчдинг, Рашиджон.

Қақшаб ёринг гул қўйди-ку қабринга,
Кўз ёш тўкиб туфроқ бўлган сабринга,
Тош ёрилар оҳ, кўргагзан жабринга,
Ажал майин эрта ичдинг, Рашиджон!

Ўғлинг тўйи сенсиз ўтди, водариг,
Дўстлар келди, дўстлар кутди, водариг,
Фақат эслаб номинг тутди, водариг,
Юракларга нурдай кўчдинг, Рашиджон!

Номардлар бор, олам юзи қорадир,
Ёнган аёл каби қуёш ёнадир,
Битта жоним аламлардан порадир...
Ёмонларга кафан бичдинг, Рашиджон!

Ғофил, гаҳи бандадан ҳар яратдим,
Гаҳ тикандин майу шаққар яратдим.

Тўфон ичра қолса ногоҳ ишқ соли,
Роҳатингга хавфу хатар яратдим.

Қисматингни майдандур ёрлигим,
Ҳақ ҳарфидан зеру забар яратдим.

Минг илон бош ўйнаса афсун ила
Ҳушёрликдан ғавғо — ханжар яратдим.

Неча қақнус кипригимда кўйди воҳ,
Бало эли аро маҳшар яратдим.

Дунё майдур, ичгучи кўп, ич майли,
Кўз дуридан тилло соғар яратдим.

Ўроз, фалак еча фитна жандасин,
Гул тилидан шавқу хабар яратдим.

Мен кимман, айтгулик ҳикмат қолмади,
Холик қодир, афсус уммат қолмади.

Ишқ меҳроби эмас моҳ ботгучидир,
Қоронғулик ичра зулмат қолмади.

Тасбеҳдурман, тошим санаганлар кўп,
Лек ҳақ элинда ҳиммат қолмади.

Кўнгил кўзгусида бир доғ ёнадур,
Ани ўчирмакка журъат қолмади.

Бошим урдим неча остоналарга
Ундан садо келди: "Тоқат қолмади".

Ким тилло косада ёвғон тутди, ваҳ,
Тонг-шом айтилмаган миннат қолмади.

Беҳишту арофат, дўзах уйда
Ёндим, кўйдим, йитдим, рағбат қолмади.

Юрагинг сиеҳдон этдинг дўстларга
Лек ўроз, ортингдан раҳмат қолмади.

"ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ
БУЮРДИЛАР..."

Яқинда Дилмурод Саййид "Жаноби Расулulloҳ васиятлари" рисоласидан ўрин олган Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аъробий саволларига берган жавобларини, умуман, савол-жавоб матнини шеърӣ тарзда талқин этгани.

Унда унинг ўзи тожик тилидан ўнгирган ва Иордания Қиролик академияси аъзоси, халқаро Абу Али ибн Сино мукофотининг соҳиби Шамсуддинхон Бобохонов таҳрири остида чоп этилган "Жаноби Расулulloҳ васиятлари" насрий рисоласидан манба сифатида тўлиқ фойдаланган. Қуйида эътиборингизга ана шу шеърӣ талқиндан намуналар хавола этилмиш.

Дер: "Ё, Расулаллоҳ! Истагим маним
Энг фаровон турмуш эл ичра топай".
Буюрдилар: "Ҳалол бўлса кимда-ким.
Таҳорат-ла юрса, фаровонлик шай!"

Сўради: "Ё, Расул алайҳис-салом!
Не амал дўзахдан қололғай сақлаб!"
Буюрдилар: "Дўзах йўли батамом
Ёпилур ютилса келганда ғазаб!"

Дер: "Ё, Расулаллоҳ! Бунга амал не —
Дуоларим бўлғай мустажоб мудом!"
Буюрдилар: "Фақат ҳалол луқма е,
Ҳазар қил гар бўлса шубҳалик, ҳаром!"

"Ё Расули худо! — деди, — кетмасин
Маним ишларимдан барака, илло".
Буюрдилар: "Десаи, зиён етмасин
Одамлар пардасин кўтарма асло!"

Сўради: "Расули акрам! Бор истак,
Номан аъмолим хайрли бўлса".
Буюрдилар: "Баҳо бўлғай бу тилак
Ким ота-онасин хушнуд — шод қилса!"

Дер: "Аллоҳнинг шоди недан ва қайдан
Ҳосил бўлур билай, Расули худо!"
Буюрдилар: "Қаҳри нафс қилгин сан,
Рўзадор бўл, отанг-онанг эт ризо!"

Дер: "Ё, Расулаллоҳ! Мўъминлик бирла
Эминлик нимада билмоғим даркор!"
Буюрдилар: "Бирор мўъминга берма
На қўлу на тилинг ила ҳеч озор!"

ФАРЗАНД ТУҒИЛГАН КУН

ҲИКОЯ

Момогул холанинг бугун кайфияти хуш. Ахир нега ҳам хуш бўлмасин. Бугун невару кўрди. Ўгли Тўхтасин фарзанди бўлди. Эҳ, боланинг қадрини Момогул холачалик биладиган одам бу атрофда топилармикан?

Турмушга эрта чиқса-да, кетма-кет олтига боласи турмади. Эри Кўчар бечора Момогулни етаклаб олиб бормаган дўхтирику табиби қолмади. Ниҳоят, шаҳрисабзлик Ключен деган ўрис дўхтирнинг дори-дармони ёрдам бердими, еттинчи болани саклаб қолишди.

Фарзанд уйнинг чироги экан. Олдин эр-хотин иккаласи йўқ жойдан аразлашиб қолишганда уларга уй змистон туюларди. Фарзанд туғилгач, эр-хотиннинг арази кўпга чўзилмай қолди. Бола дил-жоннинг қалити экан, олтинчи бола нобуд бўлгандан кейин ажраларман деб қолган Кўчар ака энди ўз сўзидан уяладиган бўлиб қолганди. Кўчар ака вафотидан кейин ҳам Тўхтасин еш бўлса-да онасига суянчиқ бўлди. Ана шу эрка Тўхтасиннинг ўзи бугун энди ота...

Момогул хола шундай хаёлларга берилганча келинига пиширган аталасини кичик бидончага қуйиб дастурхонга кўяркан, дарвозахона томондан Тўхтасиннинг қораси кўринди. У кела солиб онасини даст кўтарганча гир айлаштириб ерга

кўйди.

— Ҳай, болам-ай, — деди Момогул хола ўглининг кўтарганидан қувониб. — Яна ичибсан-да, пуф-э. Ичмайман деб ваъда бергандинг-ку? — Тўхтасин еш боладай турган ерида сакради.

— Неварангиз уч кило-ю икки юз грамм тугилибди. Худди менга ўшаркан, хурсандман, онажон, хурсандман. Шунга икки юз грамм ичдим, холос. Лекин, йўлдаги милицияни бошлаб алдаб ўтдим-да... Қани, тезроқ бўлинг. Кейин пенсия пулидан чўсангиз, неварангизга қоляска оламан."

Момогул хола дастурхонни ўглининг қўлига тутқазаркан елкасига қокди.

— Қоляскани ўзим оламан. Сен овқат совумасдан чопқиллаб келинга бориб келгин. Ҳой, автобусда бориб кел. Тагин ҳаяллаб кетма, жон болам.

Тўхтасин тугунни кўтариб ташқарига йўл оларкан, қувноқ оҳангда деди:

— Э-э, тагимда трактор турганда, мошинга бало борми? Сиз қоляскани олиб келгунча, мен ҳам гир этиб бораман.

Тўхтасин туғруқхонадан қайтиб чиқиб трактори томон кетаётган эди, кимнингдир чақираётганини эшитди. У бурилиб қаради. Сал наридаги кўкат устида ётганча икки йигит пиво ичиб ўтиришарди. Чақирган одам Ҳасан шилқим эди. Бир

пайтлар бирга ўқиган дўсти. Ҳасан Тўхтасин билан кучоқлашиб кўришди, кайфи зўрлигидан у юзидан, бу юзидан чўлпиллатиб ўпиб ҳам олди.

— Оҳ-оҳ-оҳ. Ўзиям ширин йигит бўлиб кетибсан. Ёғоч қошиққа ўхшаб ҳеч кўринмайсан, ё улфатчиликни ташладингми? Қани, ўтир. Ҳа, танишгин, — у енидаги хўроздай қизариб, хурпайиб турган йигитни кўрсатди. — Қ... қайним Сотиболди. Опаси менга бугун киз туғиб берди. Шунини юваяимиз... Қани, ол, уруштирдик.

Тўхтасин икки қадам орқага тисарилди.

— Йўқ, йўқ, бошқа пайт. Рулдаман. Кейин йўлдаги постовойни икки марта алдаб ўтдим. Энамга ҳам ичмайман деб

ваъда берганман. — Ҳасан қўл силтаб унинг сўзини бўлди. — Энам. Ҳо-хо-хо. Ёш гўдакмисан, нима бало. Сени аввал хўроз дердик-ку. Ол энди, қўлим ҳали қайтмаган йигитман.

Тўхтасин пивони ичди.

— Ух, лаънати, пивога ароқ аралаштирибсан-ку. Бўлди, энди кетдим.

Тўхтасин ердаги тугунга қўл чўзган эдики, Ҳасан унинг билагидан ушлади.

— Нима, аёлга ўхшаб тугун кўтариб юрибсан, ҳеч олдинги хўрозга ўхшамайсан-у.

Тўхтасиннинг жаҳли чиқди.

— Ҳали ҳам хўрозман. Ўғил кўрганман. Кечкурун уйга бор, э-э-э.

Тўхтасин тракторига бир амаллаб чиқаётганида, қайни билан поччанинг бўғишиб ётганини гира-шира эслайди. Бир вақт қараса, катта йўлда гизиллаб кетаяпти.

У ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, тракторнинг тезлигини

оширди. Йўл чеккасида турган ДАН назоратчиси ўқдай кетаётган тракторни кўриб, ола-була таёқчаси билан "Йўл ёпик, тракторингни чеккага олиб тўхта" ишорасини қилди. Тўхтасин уни кўрмаганга солиб, тезликни яна оширди. Қаердандир паровознинг чўзиқ чинқирини эшитилди. Темир йўл шлагбауми туширилган ҳолда турарди. Тўхтасин "Ана, шлагбаумнинг енидан айланиб ўтиб кетса бўлади-ку, поезд келгунча улгураман" деб ўйлади. Милиционернинг чуриллатиб чалган хуштаги эшитилди. Тўхтасин инспекторнинг сакраб ўзини четга олганини кўриб илжайганича шлагбаум томон тракторини елдай учуриб бора бошлади. Қўлида алвон байроқча тутган темир йўл назоратчиси ҳам сакраб ўзини бир четга олди. У ёғини Тўхтасин эслолмайди, қарсиллаган овоздан сўнг у чексиз бўшлиққа учиб кетди...

Олтибой СОЙИПОВ.



АКС САДО

«МЕТРОДАГИ НАҒМА»

«Постда»нинг шу йил 21 январь сонидаги мақолани ўқиб, Тошкент метрополитени хусусида ўзим анчадан бери ўйлаб юрган айрим мулоҳазаларни баён қилишни лозим топдим.

Назаримда, нарх-наво ошган сари хизмат кўрсатиш яхшиланиши ўрнига аксинча бўлмоқда. Бугун пойтахт аҳолисига нақлиёт хизмати кўрсатувчи идоралар қаторида метродаги аҳвол ҳам талаб даражасида эмас.

Масалан, ҳар бир метро бекатидаги кириш жойида иккитадан касса мавжуд. Лекин, айниқса, эрталаб ва кечки пайтда одамлар тирбанд бўлишига қарамай, кассаларнинг фақат биттаси ишлайди. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, майда пулга касса ходимлари паст назар билан қарайдилар. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда миллий валюта сифатида қўлланилаётган сўм-купонларни қадрлаш ўрнига, уларни майда, ё йирик шаклида ажратиб, «ўғай кўз» билан қараш республика халқига нисбатан ҳурматсизликдир.

Яна бир мулоҳаза. Миллий ўзликни англаш, маънавий

қадриятларни тиклаш йўлида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Шулардан бири — метро бекатлари номининг ўзгартирилишидир. Бироқ бекатлар номи ўзгаргани билан улардаги шаклу шамоийл «эски ҳаммом, эски тос» лигича қолмоқда.

Масалан, «Мустақиллик майдони» (собиқ «Ленин майдони») бекатини олайлик. Ҳали метрога кирмаёқ, зинадан тушаётганингизнинг ўзида Ленин ва бир тўда «большевик»ларнинг

жуда катта ўйма тасвирига дуч келасиз. Ичкарида эса В.Уль-яновнинг «дондан-доно» сўзлари мармар деворларга қуйма қилинган ҳолда турибди. Ёки «Амир Темури хиёбони» бекатига кирган одам бекат номига шубҳа билан қараш аниқ. Чунки бу ердаги кўриниш, безак «Мустақиллик майдони»дагидан қолишмайди. Собиқ «Комсомол бекати» ҳозирда «Ёшлик» деб юритилмоқда. Аммо у ердаги битиклару орден-медаллар «Ёшлик» номига бутунлай зиддир.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида барча жой номлари ягона давлат тилида берилиши белгиланган. Метрополитен раҳбарияти бунга қисман риоя этмоқда. Аммо ишлар чала қолган. Масалан, «Ўзбекистон» бекатида нима учун ҳануз «Узбекистанская» сўзи катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилганлигини сира тушуниб бўлмайди. Барчага баробар бўлган қонун бу ердагилар учун тегишли эмасми?


Ҳ.ТОЛИПОВА,

Тошкент шахри.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси томонидан 1971 йилда туғилган, шу тумanning

Содиқов кўчасидаги 1-ўй, 24-хонадоёда яшаб келган Раҳим Иргашевич Аширматов қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 10 ноябрида эрталаб ишга чиқиб кетганича уйга қайтмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см. атрофида, озгидан келган, сочи қорамтир.

Кийими: эғнида қора куртка, катакли, қора рангдаги кўйлак, кўнгир шим, оёғида қора рангли туфлиси бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг қўлида «Раҳим» деган ёзув бор.

Р.Аширматовнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда Мирзо Улугбек тумани ИИБ ёки энг яқин милиция бўлимасига хабар беришларини сўраймиз.

Бухоро-вилояти, Вобкент тумани ички ишлар бўлими томонидан шу тумanning Кўнгирот қишлоғида истиқомат қилувчи, 1977 йилда туғилган Ҳусен Қаландаров қидирилмоқда. У 1994 йилнинг 2 январь кун тахминан соат иккилар атрофида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150-155 см. атрофида, гавда тузилиши ўртача, сочлари қора.

Кийими: эғнида ҳарбий китель ва шим, гулли жемпер, бошида спортчилар шапкаси, оёғида қора туфлиси бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, яхши гапира олмайди, бурнининг устида йиқилгандан қолган из бор.

Ҳ. Қаландаровнинг қаердалиги ҳақида бирор-бир маълумот-



га эга кишилардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимасига хабар беришларини сўраймиз.

ЖИНОИЙ ҲАНГОМАЛАР

ЎҒРИНИ ЎҒРИ УРДИ

Тель-Авивга бориб ўрнашган одессалик В. Гушакнинг картабозлик касби инқирозга учради. Шундан сўнг у АҚШнинг Альбукерк шаҳрига кетди ва тан соқчиси Шломо Бирман билан «иш» бошлади. Дастлабки ўйин яхши ўтди. Аммо шериклар ярим тунда меҳмонхонага қайтарканлар, олдиларини ўнта барзанги тўсиб ютган пулларини тортиб олишди.

Гушак ва Бирман бошқа туманга овга бордилар. Тагин Гушакнинг айёрлиги қўл келди, ютук катта эди. У ишончли бўлсин учун пулни шахсий кўрикчисига соқчисига бериб қўйди. Лекин йўлда шахсий кўрикчиси гойиб бўлди, албатта, пул билан бирга.

КАТТАСИ БУЁҚДА ЭКАН

Бир челябинскилик савдогардан ярим миллион сўм пул ва газ тўппончалари тортиб олинди. Тортиб олганлар рэкetchилар эди.

Ушланган рэкetchилар орасида соқчи — ушу спорт мактаби қошидаги хавфсизлик хизмати тан соқчиси ҳам бор эди. Унинг уйини ҳам тинтув қилишга тўғри келди.

Бутун бошли қурол-яроғ омборига дуч келган милиционерлар лол қолдилар. Унда 50 газ баллончаси, 59 қўл кишани, 2 газ тўппончаси, 6 совуқ қурол, 49 резина таёқ, бронезилет, жанговар ўқлар, электрошок, милиция формалари бор эди.

ХУДДИ КАРЛСОНДАЙ

Ахлоқ тузатиш муассаса соқчиларини ишлаб чиқариш биноларидан бирининг томида мотор тариллаши сергаклантирди. Томда бир маҳбус учишга тайёрланаётганди. Орқасида худди Карлсонникидай паррак айланиб турарди. Маҳбусни учишга қўймай, моторни қиздиргунча ушлаб олишди.

Бир неча бор судланган Н. электр аррани учишга шунчалик мослаштиргандики, ақл лол қоларди. Кейинчалик синаб кўрганларида қўлбола агрегат бир одамни бемалол кўтариб учиши маълум бўлди.

ОТА ҚАҲРИ

Кения меҳнат вазирлиги масъул ходимларидан бири ўғлига нисбатан бешафқатлик қилди. Бозорда бир қоп нарсга ўғирлаган ўғлини одамлар тутиб уйга олиб келишди. Қопда машина гилдираги ва ойна артгичи бор эди. Ота тўпланган одамларга ўғлини тошбўрон қилишни буюрди. Буйруқ бажарилди.

О. ФАРМОНОВ тайёрлаган.

ЁҚИБ ЮБОРДИ

Тунги қоровуллар орасида даҳшатли воқеалар юз бериб туради. Бир неча йил муқаддам Қозон шахри ёнидаги қоровул ўлиқлар гўштини еб қўлга тушганди. Яқинда эса бошқа қоровул ўз ҳамкасбини тириклай еқиб юборди.

У ҳамкасби билан ичиб ўтириб жанжаллашиб қолди. Кейин шеригини роса ичириб маст қилди ва устидан солярка қўйди. Гугурт қақиб, эшикни ташқаридан беркитди. Ўлаётганининг нолалирига жавобан деразадан яна солярка сепди.

РОСА БОҚИШДИ

Первоуралск шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқитувчисини полизда картошка ўғирлаётганда тутиб олдилар. Бир неча киши ўқитувчи аёлга зўрлаб роса хом картошка едиришди. «Тагин ҳам осон қутулибсиз, — дея юпатишди уни қўшнилари. — Бошқа ўғрилар жонидан ажрамоқда».

- Кўчириб босишда «Постда»дан эъанлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очикъ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 814, 40.768 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.